

Мусобақа завқи

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 4-сонли талабалар турар жойида тарбиячи педагог Жавлонбек Қутлимуротов 8-9-қаватлар ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинини ўтказди.

“Заковат” интеллектуал ўйинида 4 - босқич талабаси Чингиз Айматов интеллектуал ўйинида бошловчилик қилди.

Интеллектуал ўйинида “Омад” жамоаси, “Бахт” жамоаси талабалари иштирок этишди.

Ўйин кескин фикрлар тўқнашувига ва баҳс-мунозараларга бой бўлди. Мантиқий саволлар билан биргаликда қизиқарли статистик маълумотлар бериб ўтилганлиги айниқса, иштирокчиларда ижобий таассурот қолдирди.

Бахт” жамоаси 1-ўринни, “Омад” жамоаси эса 2 - ўринни эгаллашди.



**4 - ТТЖ тарбиячи-педагоги Жавлонбек Қутлимуротов ахбороти,
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**